

Умида САНГИРОВА

БАҲОР СОҒИНЧИ


Қарши
«Насаф» нашриёти
2007

84(55)6-5

Күнгил қатларида хушбүй насимларини етаклаб кирган ҳайрат түйғу ёмғирига айланади. Кейин битта, иккита, минглаб шаффофранг томчилар она замин чехрасига изхордек түкила бошлайди.

Умидли қаламкаш Умидда Сангированинг ушбу тўпламини ўқир экансиз, унинг ўзига хос дунёсини ҳис килгандек бўласиз.

10 33956
0



© 4702620202-17
376(05)2007

17-2007 ©

У.Сангирова, 2007йил.

ISBN 5-7323-0516-8

ВАТАН

Ватанимни асрайман,
Дейман, онажоним у.
Севиб, ардоқлагайман,
Яшар хонадоним у.

Тупроғидир түтиё,
Күзларимга суртаман.
Менга ҳаёт, нур гүё,
Мафтун бўлиб ўтаман.



ВАТАН ФАРЗАНДИМАН

Шу Ватаннинг, заминнинг,
Хур қизи, фарзандиман.
Шу элимнинг, халқимнинг,
Эркин, оддий қизиман.

Юрагимда кўп жуда
Ватанимга соф меҳрим.
Тилагимда кўп жуда,
Унга аталган сўзим.

Шунинг учун юртимга,
Доим таъзим қиласман.
Тегса фойдам гар унга
Ўзни бахтли сезаман.



ЎЗБЕГИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Ўзбегимнинг қизига,
Хонатласлар ярашар.
Кулиб айтган сўзига,
Мард йигитлар қарашар.

Ибою ҳаё унда,
Бисёр тенгсиз гўзаллик.
Ақл-заковат унда,
Чеварлик, пазандалик.

Шоҳмотда донғи кетган,
Зулфия қизи бўлган.
Ҳатто курашлар тушган,
Ўзбегимнинг қизлари.

Таърифига етмас сўз,
Ютуғидан яшнар кўз,
Айтар бўлсам бирор сўз,
Бахтли бўлсин қизлари -
Ўзбегим ой юзлари.

БАХОР СОФИНЧИ

Совқотган табиат роса ухлади,
Қишиң имкон бермади зеболанмоққа.
Үй ичидә мудроқ баҳор гуллади,
Ташқаридә қишининг аччик совуғи.

Оқ яктак кийганды қирларнинг боши,
Яшиллик соғинди бутоқлар тоқи.
Бағрида яшириб тоғларнинг тоши,
Бойчечак бодрашга имкон бермади.

Шунда баҳор келиб мисли бир хилол,
Күқдан құл силкіди бутун борлыққа.
Борлиғимда баҳор, қалбимда баҳор,
Соғинганим баҳор, келдинг аслингча.



СҮНГГИ ҚҮНФИРОҚ

Чалинганда сүнгги қүнфироқ,
Юракларда кучли ҳаяжон.
Сендан кетиш оғирдир йироқ,
Ох, мактабим, менинг жонажон.

Устоз каби бир устоз бўлиб,
Лек қайтамиз яна бағрингга.
Шунда сенинг қанотинг бўлиб,
Киришамиз ҳар юмушингга.

Бугун оқ йўл тила, жонажон,
Ўн бир йиллик қадрдонгинам.
Учмоқчимиз биз орэу томон,
Орзуларга шайланган менман.



НАВРҮЗ

Бойчечакни элчи қиласан,
Табиатни роса безайсан.
Сумалакни солиб қозонга,
Ундан ажиб хислат сўрайсан.

Исмалоғу ялпиз сомсалар,
Нематини тутасан элга.
Дехқон бобом чорлаб далага,
Тутқазасан кетмонин қўлга.

Кўй-кўзилар ўтлаб ўтлокда,
Яйрар сенинг саховатингдан.
Сен ягона хислат соҳиби,
Сен элимнинг миллий Наврўзи.



КЕЛАЖАК

Бизни чорлар келажак,
Интилишга бошлайди.
Орзум мисли капалак,
Самоларни истайди.

У каби мудом биз ҳам,
Интилийлик олдинга.
Бизни кутувчи ҳар дам,
Бир сирли нур, зиёга.

Унга битиб орзулар,
Хаёлларга чўмамиз.
Катта қилиб ниятлар,
Рўёбига кўмамиз.



АЙИРМА

Бўлмаса ҳам молу давлатим,
Иймонимдан айирма.
Йўқ бўлса ҳам шону шавкатим,
Ишончимдан айирма.

Гар бўлсамда оддий бир гадо,
Ўз юртимдан айирма.
Бўлиб қолсам ҳуснига шайдо,
Истагимдан айирма.



АДОЛАТ ВА МАЛОМАТ

Түғри сўзни сўзласам,
Бошим бўлади омон.
Маломатга дуч келсам,
Қочгум адолат томон.

Шунда бўлар ҳамроҳим,
Түғри сўз, ҳалол инсон.
Улар-ла ошнолигим,
Мен-чун шараф, мен-чун шон.



ТИНЧЛИК

Аждодларнинг руҳлари
Бизни қўллаб туражак.
Хар бир айтган сўзлари
Бизга мадад беражак.

Улар номи дилларда
Доим янграб туради.
Улар ўтган бу юртда
Доим тинчлик бўлади.



БАХОР

Қишихоялар экан,
Оғирлик қилиб пўстин.
Шунда қиши елкасидан,
Тушиб кетганди секин.

Қаранг, табиат ташлаб,
Баҳор тўла саватни.
Кўклам кучди авайлаб,
Она Ўзбекистонни.



БУЛУТЛАР

Само юзини қоплаб,
Күкда сузар булутлар.
Деҳқон орзусин ёқлаб,
Сув қуяди челаклаб.

Бир кун хосил мўл бўлиб,
Хирмонлар тўлса донга.
Табиатдан шод бўлиб,
Рахмат деймиз эҳсонга.



МУНДАРИЖА

Ватан.....	3
Ватаннинг фарзандиман.....	4
Ўзбегимнинг қизлари.....	5
Баҳор соғинчи.....	6
Сўнгги қўнғироқ.....	7
Наврӯз.....	8
Келажак.....	9
Айирма.....	10
Адолат ва маломат.....	11
Тинчлик.....	12
Баҳор.....	13
Булутлар.....	14

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

САНГИРОВА УМИДА

- **БАХОР СОФИНЧИ**

Шеърлар

Муҳаррир: Ш.Пирматова.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусаххих: Г.Хўжаева.

Бадиий безакчи: Ж.Норқобилов.

иб 1086

Теришга 30.04. 2007 йилда берилди. Босишга 3.05. 2007
йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Шартли босма
табоги 0,84 . Шартли бўёқ-оттиск 0,90. Нашр босма тобоги
0,32. 23-2007-шартнома. 41- буюртма. 100 нусхада. Эркин
нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 22-үй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
«Матбаа» цехида чоп этилди.

730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-үй.